



Ўзбекистон «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgz.uz • www.adolatgz.uz • www.adolat.uz • № 6 (1018) • 2015-yil, 6-fevral, juma

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларида замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини, "электрон ҳукумат" тизими ҳамда ахборот тизимларини жадал татбиқ этиш, телекоммуникация инфратузилмасини ва маълумотларни узатиш тармоқларини модернизация қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборот-лаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси негизда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ташкил қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитасининг барча мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

ахборот технологиялари ва коммуникациялар соҳасида, "электрон ҳукумат"ни жорий этишда ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, ахборот технологияларини ривожлантиришнинг жаҳон даражасидан келиб чиққан ҳолда миллий ахборот-коммуникация тизимини татбиқ этиш ва ривожлантириш юзасидан комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш, шу жумладан, Интернет тармоғига кенг қоптали уланишни кенгайтириш, телефон алоқаси, телевидение ва радиосиёсатининг рақамли тизимларида тўлиқ ўтишни таъминлаш, алоқа ва телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни, шунингдек, радиочастотали спектрдан фойдаланишни давлат йўли билан бошқариш, лицензиялаш ва назорат қилиш борасидаги функцияларни амалга ошириш;

"электрон ҳукумат"ни татбиқ этиш, вазирликлар, идоралар, компаниялар ва уюшмаларнинг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборотлаштириш ва интерактив давлат хизматларини такомиллаштириш борасидаги фаолиятини идоралараро мувофиқлаштириш, мониторинг қилиш, баҳолаш ва назорат қилиш бўйича давлат дастурларининг амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, давлат ахборот ресурслари ҳамда маълумот базаларини шакллантириш, сақлаш ва фойдаланишининг ягона тизимини вужудга келтириш, идоралараро ахборот тизимларини яратиш ва бошқариш;

Интернет тармоғининг миллий сегменти янада шакллантирилишини таъминлаш, мамлакатимизнинг турли йўналишлардаги замонавий веб-ресурсларини, шу жумладан, аҳолининг, хусусан, ёш авлодининг ахборотга бўлган ва интеллектуал талаб-эҳтиёжларини қондириш мақсадида тармоқ ресурсларини ривожлантириш учун зарур техник ва қулай шарт-шароитларни яратиш;

рақобатдош дастурий маҳсулотларнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилишини ва ички бозорини ҳамда уларга кўрсатиладиган хизматларни ривожлантиришга кўмаклашиш ва унинг мувофиқлаштирилишини таъминлаш,

иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларида ва истеъмолчиларда замонавий дастурий маҳсулотлар, ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларини жорий этиш;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва коммуникация тармоқлари, дастурий маҳсулотлар, ахборот тизимлари ва ресурсларини ҳимоя қилишнинг замонавий технологияларини татбиқ этиш чора-тадбирларини амалга ошириш, ахборот ресурсларини ҳимоя қилиш бўйича техник инфратузилмани янада ривожлантириш;

замонавий коммуникация воситалари соҳасида илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малякасини оширишни ташкил қилиш, дастурий маҳсулотлар, ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборот-коммуникация технологияларининг бошқа соҳаларида шундай ишларни ташкил этиш;

алоқа, ахборот технологиялари ва коммуникациялар соҳасида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, устувор лойиҳаларни амалга ошириш, радиочастоталик спектрдан самарали фойдаланиш учун ҳамда вазирлик фаолияти доирасига кирувчи бошқа йўналишлар бўйича хорижий инвестицияларни жалб этиш.

3. Куйидагилар белгилаб қўйилсин: Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари вазирликлар, идоралар, компаниялар, уюшмалар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади;

вазирликлар, идоралар, компаниялар ва уюшмаларнинг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлари ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича комплекс дастурларнинг ўз вақтида ва тўла-тўқис амалга оширилиши, "электрон ҳукумат" хизматлари ва ахборот тизимлари жорий этилиши учун шахсан жавобгар бўладилар;

иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда интерактив давлат хизматлари татбиқ этилиши даражаси, самарадорлиги ва сифатига баҳо бериш натижалари **вазирликлар, идоралар, компаниялар, уюшмалар, йирик корхоналар ва бирлашмалар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг эгаллаб турган лавозимларига муносиб эканликларини кўриб чиқиш учун асос бўлиб ҳисобланади.**

4. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта мuddатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил қилиш тўғрисидаги қарори лойиҳасини ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитасини ташкил этиш тўғрисида" 2012 йил 16 октябрдаги ПФ-4475-сонли Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин, 4, 5 ва 8-бандлари бундан мустасно.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Тошкент шаҳри,
2015 йил 4 февраль

И.КАРИМОВ

Конференция



Муҳим сиёсий тадбирга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда

Мамлакатимизда муҳим сиёсий тадбир — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови-га кўтаринки руҳда ҳозирлик кўрилмоқда. Жорий йилнинг 29 март кuni юртимиз фуқаролари ижтимоий-сиёсий фаоллиги, маънан жипслиги, Конститу-

ция ва қонунларда мустақкам-лаб қўйилган сайлаш ҳуқуқларини яна бир бор амалда ёрқин намоен этидилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишни ташкил-лаштириш масаласи партиямиз тизимида қуйи ташкилотлардан

бошлаб шакллантирилган жараён сифатида амалга ошадди. Шунга мувофиқ, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг барча шаҳар ва туман кенгашларининг конференциялари ушқоқлик билан ўтказилди.

2-3

9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

Мутафаккир шоир ижодига адолат тушунчаси



Бир неча минг йиллар да-вомда инсоният яратган ва яратаётган дунё тама-дунида ҳар бир миллат ва халқнинг ҳамда унга ман-суб буюк ижодкорларнинг муносиб улуши бор.

Жаҳондаги ҳар бир мил-лат умуминсоният эътиро-фига лойиқ маънавий ва моддий маданияти, улуғ ин-сонлари билан фахрланади, миллий ғурур туйғусини ҳис этади.

Биз, ўзбеклар ҳам бошқа даҳо аждодаларимиз қатори Алишер Навоийдек бобо-миз борлигидан, буюк мутафаккир шоиримизнинг умумбашарият томонидан ардоқланадиган улкан маънавий меросидан қалбимиз ифтихорга тўлади. Миллатимизнинг даҳо фарзанди, улуғ шоир ва му-тафаккир ҳамда йирик давлат арбоби Алишер Наво-ийнинг адабий мероси — доимо азиз ва муқаррам, ижоди — туганмас хазина, ғоялари — ҳамиша барҳа-ёт.

8

Сайлов — 2015

Андижонда 29 март кuni бўлиб ўтадиган Ўзбеки-стон Республикаси Президенти сайловининг халқаро ва демократик стандартлар, сайлов тўғрисидаги миллий қонунчилик талаблари асосида очиқ ва ош-кора ўтиши ҳамда сайловчиларнинг фаол иштиро-кни таъминлашга пухта ҳозирлик кўрилмоқда.

Пухта тайёргарлик — муваффақият гарови

— Вилоят округ сайлов комис-сиясининг самарали фаолият кўрсатиши учун барча шaroит яратилган, — дейди 2-Андижон округ сайлов комиссияси раиси Облоқул Мирзаев. — Ажратилган алоҳида хоналар замонавий ах-борот-коммуникация воситалари, мебеллар, зарур адабиётлар билан таъминланган. Мавжуд компь-ютерларнинг интернет тармоғи-га улангани тезкор ахборот ал-машиш имконини беради.

Сайлов комиссияси жойлашган бино фойсесида ташкил этилган кўргазмали воситалар орқали сайловчилар сайловга доир ҳуқу-қий асослар, тартиб-қоидалар, сайлов комиссияси фаолиятига оид тегишли маълумотлардан ха-бардор бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Мар-казий сайлов комиссияси дасу-ри ҳамда сайловни ўтказишга оид қонун ҳужжатлари доираси-да округ сайлов комиссиясининг

тадбирлар дастури ишлаб чиқил-ди ва белгиланган режа асосида иш олиб борилмоқда. Сайлов округи ҳудудида 107 сайлов участкаси тузилди. Ҳар бир сай-лов участкасининг чегаралари тўғрисидаги маълумотлар матбу-отда эълон қилинди.

Жойларда сайлов участкаларининг моддий-техник таъминоти билан боғлиқ ҳамда сайловчилар-нинг овоз бериш учун қулайлик-лар яратиш сингари ташкилий ишлар амалга оширилмоқда. Сай-ловга тайёргарлик кўриш, сайлов билан боғлиқ жараёнлар хусуси-да жамоатчиликни хабардор қилиб бориш, аҳоли, айланида, сайловда биринчи бор қатнаша-диган ёшларнинг бу борадаги би-лим ва тушуначаларини юксалти-риш, тарғибот-ташвиқот ишлари-га алоҳида эътибор қаратилаётир.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ, ЎзА мухбири

Янгича ишлашнинг ишончли механизмлари — амалда



4

Азму шижоатли авлод Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда



5

Ой... улгуржи ва чакана нархларда сотилади



7

Хайрли мақсадлар йўлида



8

